

Вохси




ЎЗБЕКИСТОН ТАЪЛИМ ВА ФАН ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ ҚАРШИ ШАҲАР КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

Юртимизнинг латофатли, ибо ҳаёли хотин-қизларини баҳорий байрамлари 8-март Халқаро хотин-қизлар куни ҳамда барча юртимиз аҳлини Наврўзи айём билан муборакбод этади. Уйғониш ва янгиликлар, кут-барака элчиси

Наврўзи айём шукуҳидан диллар яйрамоқда. Тинч ва осойишта юртимизга тўй-томоша, байрамлар ярашади. Айтиш жоизки, Наврўз ўзаро қадр-қиммат, ҳайру-саҳоват, меҳр-оқибат тимсолидир. Эзгулик, саҳоватга йўғрилган уйғониш, яша-риш айёми бу йил дилларимизни яна кувончу-шодликка чулғади.

Хурматли юртдошлар! Сизларни мана шу гўзал ва тароватли Наврўз айёми билан чин-дилдан қутлаймиз. Сизларга аввало соғлиқ омонлик, оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик, бахт-саодат тилаймиз. Наврўз оламининг ҳаётбахш нур-зиёси қалбингизни поклаб нурафшон айлсин.



ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ТИЗИМИДАГИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВЛАР ЙИЛИ

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Уставида тармоқ ташкилотларида ҳисобот-сайловлар ҳар 5 йилда бир марта ўтказилиши, касаба уюшмаси органлари 5 йил муддатга сайланиши белгилаб қўйилганлигини эътиборга олиб, шунингдек, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши Ижроия қўмитасининг 2024 йил 27 декабрдаги "Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги касаба уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловларни ўтказиш тўғрисидаги IX-3-сонли қарори ҳақида" ги 15-6 сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қарши шаҳар бўлинмаси кенгашининг Ижроия қўмитасининг 2025 йил 3 январда "Қарши шаҳар таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси ташкилотларида ҳисобот-сайловларни ўтказиш тўғрисида" 18-1"с" сонли қарори қабул қилинди.

Айни пайтда жойларда ҳисобот йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. 2025 йилнинг 28 февраль ҳолатида Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қарши шаҳар бўлинмаси кенгаши бошланғич ташкилотларнинг 38 тасида, ташкилотда қабул қилинган жамоа шар-

номаларининг 2024 йилда бажарилиши ҳамда ҳисобот-сайловларга бағишланган йиғилишлар ўтказилди. Шундан барча бошланғич ташкилотларда ҳисобот-сайлов муқобиллик асосида ўтказилди. 11 та ташкилотда бошланғич ташкилот раислари янгидан сайланди. Жой-



ларда қўмиталар таркибига 155 нафар хотин-қизлар, 76 нафар 30 ёшгача бўлган ёшлар киритилди. Ҳисобот-сайлов йиғилишларида касаба уюшмаси аъзоларидан тушган кўплаб таклиф, фикр ва мулоҳазалар умумлаштирилиб, ижросини таъминлаш мақсадида қўмита йиғилишларида чора-тадбирлар тасдиқлаб олинмоқда.

(Давоми 4-бетда).

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

Савол: Кадастр паспортини тайёрлаш мuddатлари ҳақида маълумотга эгамисиз?

Жавоб: Ҳукумат қарорига кўра, кўчмас мулк объектини кадастр ҳисобига олиш ва кадастр йўғма жилдини шакллантириш натижасида кўчмас мулк объекти бўйича электрон шаклда кадастр паспорти расмийлаштирилади.

Ариза берувчи кадастр паспорти олиш учун Давлат хизматлари марказига ёки ЯИДХП рўйхатдан ўтади. Кўчмас мулк объектларининг турар жойига оид қисми бўйича қуйидаги мuddатларда амалга оширилади:

кўп квартирали уйдаги квартира - 3 иш кунига; аякка тартибдаги турар жой - 5 иш кунига; Кўчмас мулк объектларининг нотурар жойига оид қисми бўйича:

умумий майдони 100 кв.м. гача - 5 иш кунига; умумий майдони 100 кв.м. дан 1000 кв.м. гача - 7 иш кунига;

умумий майдони 1000 кв.м. дан 5000 кв.м. гача - 10 иш кунига;

умумий майдони 5000 кв.м. дан 15000 кв.м. гача - 15 иш кунига;

умумий майдони 15000 кв.м. дан 50000 кв.м. гача - 20 иш кунига;

умумий майдони 50000 кв.м. дан ортиқ - 25 иш кунига.

Кадастр йўғма жилди шакллантирилгандан сўнг кадастр паспортини бериш учун тўлов миқдори қиймати кўрсатилган хабарнома (инвойс) Давлат хизматлари марказига ёки ариза берувчига электрон шаклда юборилади. Ариза берувчи хабарномани олгандан сўнг 1 ой мобайнида тўлов қийматини тўлайди.

Кадастр паспортини бериш учун тўлов қийматлари Ҳукуматнинг 186-сон қарори билан белгиланади.

Эргаш ХУДОЙНАЗАРОВ,

Яккабоғ туман Адлия бўлими Давлат хизматлари маркази бўлим бошлиғи

ТЕРГОВ СУДЬЯСИ ВАКОЛАТЛАРИ

Юригимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини "Инсон шаъни ва қадр-қиммати учун" принципи асосида янги босқичга кўтаришга, суд органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида шахсниинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш қафолатларини кучайтиришга, шунингдек аҳолининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлашга қаратилган кенг қўлмали ишлар олиб боришмоқда.

2025 йил 28 январда "Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига шахсниинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончи ҳимоя қилиш қафолатларини янада кучайтиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ўРК-10222-сонли қонун қабул қилинди. Мазкур қонуннинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти юзасидан 2024 йил 13 февраль кунини Қарши тумани ИИБда семинар машғулотини ўтказилди. Судьялар, прокуратор, ички ишлар органларининг терговчи, суриштирувчи ва профилактика инспекторлари иштирок этган семинарда жиноят ишини юритишга масъул шахслар рўйхати "тергов судьяси" лавозими, тергов судьялари томонидан жиноят ишлари бўйича судга қадар иш юритиш босқичида процессуал қарорларга санкция бериш ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш масалаларини қонунчиликда белгиланган мақсадда, тергов судьяларининг ваколатлари жумласига киритилган ишларни кўриб чиқиш асослари ҳамда тартибини назарда тутувчи ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Семинардан кўзланган асосий мақсад судлар фаолияти самарадорлигини ошириш, ишни судга қадар юритиш тарафларининг тенглиги ва тортишувчи принципини амалда таъминлаш, шунингдек, тезкор-қидирув ҳамда тергов фаолиятида шахсниинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилинишига эришишдан иборат эканлиги таъкидланди.

Фикр-мулоҳазалар ҳамда савол-жавобларга бой тарзда ўтган суҳбатда иштирокчилар тергов судьялари фаолияти билан боғлиқ саволларга батафсил жавоб олдилар.

А.БОБОНАЗАРОВ,

Жиноят ишлари бўйича Қарши туман судининг раиси

САВОЛ БЕРИНГ - ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Франшизинг шартномасини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби биласизми?

Жавоб. Ҳукумат қарори билан (346-сон, 24.06.2022й.) Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатишининг маъмурий регламентига асосан, франшизинг шартномасини давлат рўйхатидан ўтказиш ДХМ ёки Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва ҳисобга қўйишнинг автоматлаштирилган тизими (new.birdarcha.new).birdarcha.uz) орқали амалга оширилади. Давлат хизматини кўрсатганлик учун БХМнинг учдан бир қисми миқдорига йўғим ундирилади. Қуйидаги ҳолларда йўғим тўланмайди: суд ҳужжати асосида франшизинг шартномасига ўзгартириш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказишда; рўйхатдан ўтказиш бўйича ҳужжатлар қайтадан кўриб чиқилганда. Рўйхатдан ўтказиш рад этилган тақдирда, ариза берувчи 3 ойда камчиликларни бартараф қилиб йўғим тўламадкан, қайта мурожаат қилиши мумкин..

Б.ҚАЛҚАНОВ,

Дехқонобод тумани адлия бўлими Давлат хизматлари маркази Давлат рўйхатидан ўтказиш ва руҳсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш хизматларини шўъбаси бошлиғи.

ГИЁҲВАНДЛИККА ҚАРШИ КУРАШ

Гиёҳвандликка нисбатан "аср вабоси" дея таъриф берилган бежиз эмас. Чунки бугунги кунда айнан шу иллат туфайли инсоният саломатлиги, тақдири ва келажагига раҳна солинмоқда. Шунинг учун нафақат иллат, балки глобал офат сифатида гиёҳвандликка қарши қатъий курашиб келинмоқда.

Бу ҳақда сўз борганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг дунёдаги глобал муаммолар ечими борасида илгари сурган бир неча ташаббуслари халқро ҳамжамият томонидан қўллаб-қувватланганлигини таъкидлаш лозим. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2021 йил сентябрда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеяси 76-сессиясидаги долзарб тақлифларидан бири - глобал муаммога айланган гиёҳвандликка қарши кураш мавзуси билан бевосита боғлиқ.

Шу ўринда сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўлмали ислохотлар доирасида аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, юрдошларимизда гиёҳвандлик воситалари ва психотроп мод-



даларга нисбатан қарши иммунитетни шакллантириш борасидаги ишлар тубдан қучайганини таъкидлаш зарур. Бунда, шунингдек, инсон саломатлигини таъминлаш ишларига алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Руслан СУВОНОВ,

Қашқадарё вилояти Транспортда ХТБ Дехқонобод бекатидаги бўлини ХПГ катта инспектори капитан

ТИЛ МИЛЛАТИ КЎЗГУСИ

Она тили - ҳар бир инсоннинг ўзлигини, маданиятини, тарихини ва руҳиятини акс эттирадиган энг муҳим омил. Ҳар бир халқнинг ўз она тили бор ва бу тил унда ўсиб улғайган авлоднинг маънавияти, ғоялари ва қадриятлари билан ҳамбарчас боғлиқдир. Она тили нафақат алоқа воситаси, балки миллатнинг маданий мероси, фольклори, адабиёти ва тарихини сакловчи омил сифатида ҳам хизмат қилади.

Она тилининг ўрни жуда катта. У одамларнинг бир-бирлари билан мулоқот қилишини, тушунишини ва ўз фикрларини ифода этишини осонлаштиради. Ҳар бир халқ ўз тилида фикр юритиш, дардларни, қувончларни ифода этиш, шунингдек, билликлари ўлаштириш мумкин. Шу сабабли, она тили ҳар бир инсон учун муҳим кўникма ҳисобланади.

21 февраль Халқро она тили кунини муносабати билан Қарши Давлат техника университети Иқтисодий факультети И-182-24 гуруҳ талабалари билан Ўзбек тили

ва адабиёт кафедраси ўқитувчиси Дилором Адилова тадбир ўтказди. Фурсатдан фойдаланиб, талабалар ўзбек адабий тилига асос солган мир Алишер Навоий, Захриддин Мухаммад Бобур, ҳамда рус адабий тили асосчилари А.С.Пушкин, М. Ю.Лермонтов ижодидан ўзбек, рус тилида намуналар ўқийди. Тадбир талабалар учун катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлди.

Тиллар - халқнинг илм-фан, санъат ва адабиёт соҳаларидаги ютуқларини сакловчи ва авлоддан авлодга ўтказувчи воситалардир. Она тили ёрдамида биз ўз тарихимизни ўрганамиз, маданий меросимизни асраймиз ва уни келажақ авлодларга етказамиз. Бундан ташқари, она тили ёш авлодда миллий онгни шакллантиришда ҳам муҳим роль ўйнайди. Миллатни англаш, унинг ғурурини, қадриятларини ўлаштиришда она тилининг роли эътиборга молик. Оталар, ўқитувчилар она тилини ўрганишни рағбатлантириши, унинг аҳамиятини болаларга тушултириши лозим.

Дилором Адилова,

Қарши Давлат техника университети Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси

ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ МАРКАЗЛАРИДА АРИЗА ЮБОРИШ БЎЙИЧА СЎРОВНОМАЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҲАМДА КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

Ариза берувчи давлат хизматларидан фойдаланиш учун "Call-марказ" ёки расмий веб-сайт орқали мурожаат қилади. "Call-марказ" орқали сўровномалар соат 09:00 дан 18:00 гача иш вақти давомида қабул қилинади. Расмий веб-сайт орқали сутканинг исталган вақтида мурожаат қилиниши мумкин.

Ариза берувчи "Call-марказ"га мурожаат қилган тақдирда, "Call-марказ" ходими ариза берувчи номидан, расмий веб-сайт орқали мурожаат этганда эса, сўровномани мустақил равишда тўлдирди. Давлат хизматларини кўрсатиш вақти ваколатли органининг иш вақти доирасида белгиланади.

"Call-марказ"нинг масъул ходими ариза берувчига давлат хизматларини кўрсатиш тартибини белгилловчи

қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган давлат хизматидан фойдаланиш учун зарур бўлган барча ҳужжатлар тўғрисида маълумот беради. Ариза берувчи сўровномада кўрсатилган давлат хизматларидан фойдаланиш учун давлат хизматини кўрсатишда талаб этилаётган барча ҳужжатларни тайёрлаб қўйиши лозим.

Сўровнома шакллантирилиб, сўровномадаги тегишли маълумотлар ариза берувчи томонидан тасдиқлангандан сўнг унинг мобил телефон рақамига белгиланган миқдордаги тўловни амалга ошириш учун инвойс автоматик равишда юборилади. Ариза берувчи томонидан тўлов амалга оширилган вақтнинг ўзига сўровнома ваколатли органга автоматик равишда юборилади.

Б.ҚУРБОНОВ,

Китоб туман Адлия бўлими давлат хизматлари маркази бўлим бошлиғи

СУД-ҲУҚУҚ СОҲАСИДАГИ ИСЛОХОТЛАРНИНГ МАЗМУН ВА МОҲИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 январдаги "Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишнинг замонавий механизмлари жорий этиш бўйича қўшимча қоратадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-333-сонли Қарори мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг узвий давоми бўлиб десак муболага бўлмайди.

Мазкур Қарор билан маъмурий судлар фаолиятига илгор ҳорижий таърибдада ўзини оқлаган институт ва тартибларни кенг қўллаш орқали фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ушбу судларнинг ролини ошириш, шу жумладан, давлат органи ҳужжатига ишониб фаолият юритган фуқаро ва тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг ҳимоясини қўшимча равишда кучайтириш қоратадбирларни белгилаб берилиши баробарида, солиқ органи томонидан тадбиркорлик субъектларининг банклардаги ҳисоб варақлари бўйича операцияларини тўхтатиб қўйиш тартибини жорий этишга оид нормалар ҳам белгиланган.

Статистик маълумотларга назар солсак, биргина Қарши туманлараро иқтисодий судида солиқ органи томонидан тадбиркорлик субъектининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиб қўйиш ҳақидаги аризаси бўйича 2024 йилда 4419 та иқтисодий иш кўриб чиқилган. Шундан 4404 таси бўйича солиқ органининг аризаси қаноатлантирилган, 12 тасини қано-

Савол:Қандай ҳолатларда Оилавий қорхона иштирокчилари бўлиши мумкин эмас?

Жавоб: Ўзбекистон Республикасининг 327-сонли "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ давлат органларининг мансабдор шахслари, шунингдек қонунчиликда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланган бошқа шахслар оилавий қорхона иштирокчилари бўлиши мумкин эмас. Шунингдек, бир оилавий қорхона иштирокчиси бир вақтнинг ўзига бошқа оилавий қорхона иштирокчиси бўлиши мумкин эмас.

Ж.АБДУРАХМАНОВ, Дехқонобод тумани адлия бўлими Давлат хизматлари маркази Гумбулоқ филиали ката мутахассиси

атлантириш рад этилган, 3 таси кўрмасдан қолдирилган. 2024 йил давомида мазкур иш тоифадаги қўрилган ишлар бўйича апелляция ёхуд кассация тартибида бирорта ҳам шикоят (протест) келиб тушмаган.

Шу каби ҳолатларни инобатга олган ҳолда Презбдент Қарорига мувофиқ, Олий суд, Солиқ кўмитаси ва Савдо-саноат палатасининг тадбиркорлик субъектларининг вақт ва маблағ билан боғлиқ ортиқча харажатларини қисқартириш мақсадида 2025 йил 1 майдан бошлаб тадбиркорлик субъекти томонидан тан олинган солиққа оид ҳуқуқбузарликлар бўйича солиқ органи томонидан ушбу тадбиркорлик субъектининг банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш тартибини жорий этиш тўғрисидаги тақлифи маъқулланган.

Суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ушбу ислохотлар мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг вақт ва маблағ билан боғлиқ ортиқча харажатларини қисқартириш, иқтисодий суд ишларини юритишнинг асосий вазифаларидан бири - иқтисодиёт соҳасида юридик шахслар ва фуқароларнинг бузилган ёки низолашлаётган ҳуқуқларини ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш вазифасини таъминлашга қаратилгани билан алоҳида аҳамият касб этади.

Адолат МУҚУМОВА,

Қарши туманлараро иқтисодий суди судьяси

Савол: Меҳнат шартномаси қандай асосларга кўра ўзгартирилиши мумкин?

Жавоб: Меҳнат шартномасини ўзгартириш асослари қуйидагилардан иборат: меҳнат шартларининг ўзгариши; ходимнинг бошқа ишга ўтказилиши; иш берувчининг бошқа жойга қўчиши муносабати билан жойининг ўзгариши; ходимнинг бошқа иш берувчига вақтинча хизмат сафарига юборилиши; меҳнат шартномасида шарт қилиб кўрсатилган иш жойининг ўзгариши.

Д.ХУСАНОВ,

Дехқонобод тумани Адлия бўлими бошлиғи

ЁНГИН СОДИР БЎЛГАНДА ХАРАКАТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Хар бир фуқаро ёнгини сезганда қуйидагиларни бажариши мажбур:

— Зудлик билан "101" телефон рақами орқали Фавқуллода вазиятлар вазирлигининг (кейинги ўринларда - ФВВ) ёнгин-қутқарув бўлинимасига хабар бериш (хабарда воқеа содир бўлган манзил, ёнгин чиққан жой ва ўзининг фамилиясини айтиш);

— Одамларга хабар бериш ва уларни эвакуация қилиш чораларини кўриш;

— Имкон қадар мавжуд ёнгинни ўчиришнинг бирламчи воситалари билан ёнгинни ўчириш чораларини кўриш.

Ёнгин жойга етиб келган таъкилот раҳбари (мансабдор шахс):

— одамлар ҳаётига ҳаф тугилган тақдирда, уларни мавжуд куч ва воситалар ёрдамида қутқариш чораларини кўришга;

— Зарур бўлганда электр энергиясини (ёнгинга қарши химёо тизимида таъкир) ўчириш, юклари ташишга мўлжалланган мосламалар, агрегатлар,

"ЛУОК" МЧЖ ОЁХТТЭБ Маркази ходимлари ўртасида Бадминтон мусобақаси ўтказилди

"ЛУОК" МЧЖ ОЁХТТЭБ Маркази бошлигининг 2025-йил 2-январдаги 9-сонли буйруғига асосан, спортнинг Бадминтон тури бўйича мусобақа ташкил этилди. Мусобақада Марказ тизимидаги ходимлар ўз маҳоратларини намойиш этишди ва шиддатли беллашувлар якунида умумжамоа бўйича қуйидаги натижалар қайд этилди:

1-ўрин - 1-Ёнгин қутқарув қисм терма жамоаси

2-ўрин - 7- Ёнгин қутқарув қисм терма жамоаси

3-ўрин - 5-Ёнгин қутқарув қисм терма жамоаси эгаллади

Мусобақа таъкилотчилари ходимлар ўртасида спортга бўлган қизиқишни ошириш, жисмоний тайёргарлиқни мустаҳкамлаш ва жамоавий ҳамжиҳатлиқни ривожлантиришга қаратилган бундай тадбирлар келгусида ҳам давом эттирилишини таъкидлаб ўтишди.Ғолиблар Фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Ж.ҚОБИЛОВ,
Шўртан НГҚЧБ ОЁХТТЭБ П ва НБ инспектори капитан

"ЛУОК" МЧЖ Қашқадарё вилоятидаги ОЁХТТЭБ бўлим бошлиғи ўринбосари капитан

Ходим йиллик меҳнат таътилига чиқса, ўрнига вазифасини бажарувчи ходимга қўшимча ҳақ тўлаш мумкинми?

Албатта, таътилга чиққан ходимнинг ўрнига вазифасини бажарувчи ходимга қўшимча ҳақ тўлаш мумкин. Меҳнат кодексининг 116-моддасига асосан, вақтинча йўқ бўлган ходимнинг мажбуриятларини меҳнат шартномасида белгиланган, асосий ишдаги айнаи ўша касб (лавозим) ёки бошқа касб (лавозим) бўйича ишдан озод этилган ҳолда бажаришга йўл қўйилади.

Меҳнат кодексининг 259-моддасига биноан, бир неча касбда (лавозимда) ишлаганда, хизмат кўрсатиш доираси кенгайганда, иш ҳажми кўпайганда ходимнинг асосий лавозимдаги иш ҳақига қуйидагилар учун қўшимча тўлов белгиланади ва тўланади:

бюджетдан молиялаштирилмайдиган таъкилот ходимлари учун - бир неча касбда (лавозимда) ҳақиқатда бажарилган ишга доир иш ҳақи миқдорига;

Аммо, вақтинча йўқ бўлган ходимнинг мажбуриятларини бажариш вазифаси унинг штартидаги ўринбосари зиммасига асосий ишдан озод этилган ҳолда юклатилганда қўшимча тўлов амалга оширилмайди.

Ходимнинг иш берувчи билан келишувга кўра белгиланган муддат мобайнида қўшимча ишни бажаришга розилиги меҳнат шартномасига ўзгаришлар киритилишини талаб этмайди ва иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Ходим буйруқнинг матни билан таништирилиши ва рози бўлган тақдирда уни имзолаши керак.

А.БЕГИМОВ,

Яккабоғ туман адлия бўлими бошлиғи

СУРАГАН ЭДИНГИЗ

Савол: "Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларини шахарда, шахар атрофида, шахарларо ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш қандай ишлайди ?

Жавоб: 1. **Ариза берувчи лицензия олиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтади, ариза тўлдирлади ва ваколатли органга юборлади;**

2. Бир иш қунида транспорт вазириги ариза берувчинин лицензия талаб ва шартларига мослигини ўрганади ва ариза берувчига давлат божи тўлаш учун инвойс юборди;

3. Аризачи тўлов амалга оширилгандан сўнг, транспорт вазириги лицензия расмийлаштилади ва ариза берувчига ЯИДХП орқали юборди.

Савол: **Хизматни кўрсатиш учун керак бўладиган ҳужжатлар?**

Жавоб: а) юридик шахс учун - юридик шахсининг номи ва таъкилий-ҳуқуқий шакли, жойлашган жойи (почта маңзили), банк муассасасининг номи ва бангдаги ҳисоб рақами; жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) учун ўқ ташиш ҳуқуқига лицензия олишда - фамилияси, исми, отасининг исми, паспортга ҳамда ҳайдовчилик гувоҳномасига оид маълумотлар; фаолиятнинг лицензияланадиган тури (ёхуд унинг бир қисми) кўрсатилган ҳолда лицензия бериш тўғрисидаги сўровнома ва ёки лицензия варақалари олиш учун корхона ихтиёрида бўлган автотранспорт воситаларининг рўйхати билан бирга автотранспорт воситаларининг мулк ҳуқуқи, ашввий ҳуқуқлар ёки ижара асосида тегишлилиги тўғрисидаги маълумотлар;

Савол: **Хизматни кўрсатишни ҳуқуқий асоси?**

Жавоб: Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2019-йил 30-июлдаги "Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юклари шахарда, шахар атрофида, шахарларо ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш юзасидан давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида"ги 636-сон қарори

Нарғиза АЛИҚУЛОВА,

Яккабоғ туман Адлия бўлими Давлат хизматлари маркази етакчи мутахассиси

Мустақил Ўзбекистон илк бор ўз аҳолисини рўйхатдан ўтказмоқда. Нега?

Фақат тахминларга таяниб иш кўрган одам ютказди. Таваккалчилик, башоратқўйлик маълум жабҳалардагина зарур. Аниқ статистика эса ҳар соҳада керак. Бусиз ривожланиш ҳақида гапириш ўринсиз. Айниқса, ҳозирги тез ўзгариб бораётган замонда!

Бугун биз сўз юритмоқчи бўлган мавзу ҳам бевосита статистикага дахлдор. Ўрни аҳолини рўйхатга олиш ҳақида.

Хўш, бу амалиёт нима учун керак? Нега кейинги бир йилда бу ҳақда жуда кўп гапириляпти? Нима, бизда шу пайтгача аҳоли рўйхатга олинмаганмида?

Тасаввур қилинг, хонадонингизда 10 киши яшайди. Демак, бозор-ўчар қилишда улар сонини ҳисобга олмасиз. Фалон кило гўшт, фалон литр ёғ?, фалон кило ун, қанчадир гуруч ва ҳоказо... Хонадон бекаси ана шу ноз-неъматларни пишириб, дастурхонга тортишда ҳам, табиийки, уйдаги одамлар сонини инobatга олади: 10 косада таом келтиради. Фақат хонадон аъзолари ёши, хоҳиши ва таъбибдан келиб чиққан ҳолда овқат кимгадир каттароқ косада, кимгадир кичикроқ идишда, кимгадир ёғсизроқ, кимгадир серғўштроқ қилиб сузилади. Оилангиздагилар учун кийим-кечак харид қилишда ҳам худди шундай йўл тутасиз. Ўғлингиз ё қизингизни бирор тўғаракка бермоқчисиз? Энди савол берилади: қандай қилиб бу борада тўғри ва оқилона қарор қилишга эришяпсиз? Жавоб аниқ: чуқки сизда оила аъзоларингизнинг ҳар бири ҳақида аниқ ва тўлиқ маълумотлар базаси бор!

Аҳолини рўйхатга олиш билан боғлиқ чора-тадбирлар заруратини ана шунга қийёслаш мумкин. Масалан, Қорақалпоғистонда хонадонлар иссиқ бўлиши, одамлар қора қозони қишин-ёзин қайнаб туриши учун неча минг тонна кўмир, қанча саксовул, неча минг куб метр газ керак? Бухорода-чи? Хоразмда неча киши ишсиз? Сурхондарёда яна неча таълим муассасаси қуриш лозим? Фарғонада неча оила уй-жойга муҳтож? Самарқандда қанча туғруқ ёшдаги аёл бор ва мавжуд туғруқхоналардаги ўринлар сони ана шу кўрсаткичга мутаносиби? Сирдарёда аҳоли хонадонлари асосан қайси йилларда қурилган? Сурхондарёда чиқроқ ўчмаслиги учун бир ойда қанча электр энергияси ишлаб чиқариш зарур? Андижонда неча оила битта хонадонда истиқомат қилади? Тошкент шаҳрида аслида қанча киши истиқомат қилади?...

Кўрасизми, аҳолини рўйхатга олиш, яъни биргина шу амалиёт билан қанчадан-қанча саволларга жавоб, қанчадан-қанча муаммоларга ечим топиш мумкин! Бирок ўзбеки ва тахминий кўрсаткичлар билан ўзқоқа бориб бўлмайди. Режа ва дастурларнинг манзиллилиги, ислохотларнинг самарадорлиги бу борадаги маълумотларнинг аниқ ва ишончлилигига боғлиқ. Шу боис ҳам доноларимиз азалдан етти ўлчаб бир кесмоқни насиҳат қилиб келади. Халқ мақоли эса яна ҳам ҳикматли: санамай саккиз деман!

С. ХУРРАМОВ,

Рўйхатга олиш жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўлими бош мутахассиси

Энди иш берувчи ходимга тўланиши лозим бўлган тўловларни кечиктирганлик учун моддий жавобгар бўлади.

Амалдаги меҳнат қонунчилигига кўра, иш берувчи иш ҳақини, таътил тўловларини, меҳнат шартномаси бекор қилингандаги тўловларни ва (ёки) ходимга тўланиши лозим бўлган бошқа тўловларни тўлаш муддатини бузган тақдирда, уларни тўлов муддатидан кейинги кундан эътиборан то ҳақиқатда ҳисоб-китоб қилинган кунни ўз ичига олган муддатгача ҳар бир кечиктирилган кун учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ўша вақтда амалда бўлган қайта молиялаштириш ставкасиндан келиб чиққан ҳолда фоизлар (пулли компенсация) билан бирга тўлаши шарт.

Ходимга тўланиши лозим бўлган пулли компенсациянинг миқдори Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қайта молиялаш ставкасининг ўн фоизи миқдоридан белгиланади.

Айтайлик, ходим 5 000 000 сўм ойлик иш ҳақи олади ва январь ойи учун 4 000 000 сўм ойлик иш ҳақи ўз вақтида тўлаб берилмади, бугунги кунда Марказий банки қайта молиялаш ставкаси йиллик 13,5 фоизни ташкил этмоқда ва ходим учун кечиктирилган (4 000 000 учун) иш ҳақининг 13,5 фоизи 540 000 сўмни ташкил қилади ва Меҳнат кодексининг 333-моддасига мувофиқ 540 000 сўмнинг 10 фоизи 54 000 сўмни ташкил қилади.

Демак, ушбу ҳолатда ходим кечиктирилган ҳар бир кун учун 54 000 сўм миқдорда пулли компенсация олиш ҳуқуқига эга.

Ш.РАЙИМОВ,

Яккабоғ туман адлия бўлими бош маслаҳатчиси

ЛИЦЕНЗИЯЛАШ ВА РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБ-ТАМОИЛЛАРИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Сўнгги йилларда республикада ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, эскирган, замон талабларига мос келмайдиган тартиб-тамоилларни тақомиллаштириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Маъмур йўналишларда олиб борилган ишлар лицензиялаш ва рухсат бериш тизимини либераллаштириш ҳамда институционал ислох қилишнинг янги босқичини бошлаш учун мустаҳкам асос яратди.

Лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-тамоилларини тубдан тақомиллаштириш ҳамда бюрократик тўсиқларни бартараф этиш орқали тадбиркорлик субъектлари фаолияти учун янада кенг шарт-шароитларни яратиш мақсадида:

Адлия вазириги, Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини химёо қилиш бўйича вакил, Монополияга қарши курашиш қўмитаси ва Савдо-саноат палатасининг қуйидагиларни назарда тутувчи тақлифларига розилик берилсин:

биринчи босқичда (2020 йил давомида) - фуқаролар соғлиғига ва жамиятга зиён етказмайдиган лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг айрим турларини қисқартириш ва тартибга солишнинг муқобил усулларига ўтказиш, тадбиркорлик субъектла-

ридан ортиқча ҳужжат талаб қилмаслик ва уларнинг вақт ҳамда маблағлари сарфланишини камайтириш учун тартиб-тамоилларни соддалаштириш, тегишли ҳужжатларни бериш жараёнини тўлиқ рақамлаштириш орқали шаффофлиқни таъминлаш;

иккинчи босқичда (2020-2021 йиллар давомида) - лицензиялаш ва рухсат бериш соҳасидаги қонун ҳужжатларини тизимлаштириш, давлат хизматлари кўрсатишнинг паспортларини ишлаб чиқиш, айрим турдаги лицензия ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатлар беришнинг намунавий маъмурий регламентларини жорий қилган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сонини тубдан қисқартириш.

а) лицензияланадиган фаолият ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг:

1-иловага мувофиқ айрим турлари бекор қилинади; 2-иловага мувофиқ айрим турлари бирлаштириш йўли билан бекор қилинади;

3-иловага мувофиқ айрим турлари хабардор қилиш тартиби жорий этилиши йўли билан бекор қилинади;

б) 4-иловага мувофиқ лицензияланадиган фаолият ва рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг айрим турларини расмийлаштириш муддатлари қисқартирилади.

Анвар ҚАХХОРОВ,

Шахрисабз тумани адлия бўлими ДХМ директори

САВОЛ: ОЗОДЛИКНИ ЧЕКЛАШ ЖАЗОСИ ҚАНДАЙ ЖАЗО?

ЖАВОБ: Озодликни чеклаш - суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини у ёки бу сабаб билан тарқ этишни бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойида қишқини чеклашдан иборат. Бу жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсга нисбатан давлат номидан суд ҳукми билан қўлланадиган, маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳ-

рум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурулов чорасидир.

Озодликни чеклаш бир ойдан беш йилгача муддатга тайинланади ҳамда суд томонидан белгиланадиган органлар назорати остида ўтилади

Озодликни чеклаш, уни маҳкумнинг яшаш жойида ўташ шартлари содир этилган қилишнинг хусусияти ва суд чиқарган қарорни ижро этишдан бўйин товлашининг олдини олиш мақсадида суд томонидан белгиланади. Озодликни чеклаш жазоси ҳарбий хизматларни, чет эл фуқаролари, мамлакатимизда доимий яшаш жойига эга бўлмаган шахсларга нисбатан тайинланмайди.

Фахриддин МҲМИНОВ,

Яккабоғ туман адлия бўлими юридик хизмат кўрсатиш маркази бош юрисконсулти

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ТИЗИМИДАГИ КАСАБА УЮШМАЛАРИ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВЛАР ЙИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ечимини кутаётган муаммолар юқори касаба уюшмаси органига тақдим этилмоқда. Хусусан, касаба уюшмаси аъзолари доимо ҳам ўз фикрларини эркин баён этавермаслиги, шу тариқа тармоқ касаба уюшмаси бошланғич ташкилотларида "Фикр сиздан - ижро биздан" мавзусида фикрлар қутисини ташкил этиш кераклиги таклифи билдирилган.

Шу тариқа, ҳафтада, ойда бир марта аъзолардан тушган фикр-таклиф ва мулоҳазалар йиғиб олиниб ташкилот, муассасада имкони борича ижроси таъминланади, юқори касаба уюшмаси органи томонидан ечилиши лозим бўлган муаммоларни эса зудлик билан е-

таш томонидан "Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг Устави", "Касаба уюшмалари тўғрисида" Қонун, "Педагогнинг мақоми тўғрисида" Қонун, "Янги тахрирдаги Меҳнат Кодекси", "Қарши шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бўлими ҳамда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Қарши шаҳар бўлими кенгаши ўрта-



казиш чоралари кўрилади. Ўқитувчиларни бир вақтнинг ўзига соғлиқларини тиклаш ва дам олириш учун санаторияларга йўлланмалар ажратиш имкони бўлмаганлиги учун "Ўқитувчилар" дам олиш уйини ташкил этиш, санаторийга йўлланмалар тўлов қиймати имтиёзини касаба уюшмаси аъзолари учун 45 фоиздан 40 фо-

сида 2023-2025 йиллар учун тузилган "Худудий жамоа келишуви", "Мажбурий меҳнат хавф-хатарларининг олдини олиш бўйича услубий қўлланма", "Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти тўғрисида намунавий Низом", "Бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари етак-

ни" қўлланмалари китоб шаклида чоп этилиб, шаҳар Кенгашининг раёсат қарори билан биргаликда етказилганлиги, шунингдек, "Касаба уюшмаси ва ҳаёт", "Касаба уюшмасининг тузилмаси" ҳамда "Касаба уюшмасидан сана-торий-

тўғрисида"ги махсус қўлланмалар билан таъминланди. Касаба уюшма хонасига услубий қўлланмалар билан бирга, бадиий - сиёсий адабиётлар, маънавият ва маърифат бурчаги, Президент фармонлари, қарорлари ва Республика қонунларини тарғиб қилувчи қўлланмалар билан ҳам таъминланди.

Бошланғич касаба уюшмаси ташкилотлари тармоқ касаба уюшмаси аъзоларининг ақл-заковати, куч-қудрати ва салоҳиятига таяниб, юртбошимиз айтганидек, муносиб юқори марраларни олишга ҳозирдан режалар тузиб олмоқдалар. Уларга юқоридаги ютуқларини янада мустахкамлаб, янада дадил ва улкан қадамлар ташлашларида омадлар тилаймиз. Ҳисобот-сайлов йиғилишлари давом этмоқда.

Шерзод Юлдашев,
Ўзбекистон таълим ва фан
ҳодимлари касаба уюшмаси
Қарши шаҳар бўлими Кенгаши раиси



ларга йўлланмалар олиш тартиби" ва "Устувор йўналишлар", "Ички меҳнат тартиби қоидалари", "Меҳнатни муҳофаза қилиш

изга туширилса, аъзоларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳимояси янада кучайиши билдирилди. Чунки йўлланмаларнинг умумий нархи йилдан-йилга ошиб бормоқда. Имтиёзлар эса 45 фоизлигича қолмоқда. Юқоридаги таклифлар касаба уюшмаси аъзолари манфаатларини Устав талаблари асосида янада кенгроқ ҳимоя қилиш ишларини яхшилайдиган, деб умид қиламиз. Ташкилот, муассасалар бошланғич ташкилотлари йил давомида ўз фаолиятини Устав талаблари асосида намунали ташкил этиши ва олиб бориши учун шаҳар Кен-

чиларининг хизмат фаолиятида фойдаланишлари учун услубий қўлланма", "Меҳнатни муҳофаза қилиш юзасидан тавсиялар", "Касаба уюшмаси бошланғич ташкилотлари раҳбарлари учун фаолиятни тўғри ва самарали ташкил этиш бўйича услубий қўлланма" ва "Ўзбекистон Республикасининг касаба уюшмалари тўғрисидаги Қону-





ТАШАББУСКОР РАҲБАР АЁЛ

"Аёллар ишлаган ва раҳбарлик қилган жойларда тартиб, адолат, ҳалоллик, маданият юқори бўлади".

Ш. М. Мирзиёев

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти академияси ҳузурида давлат бошқарувининг турли соҳалари ва таълим тизимида фаолият олиб бораётган юқори касбий салоҳиятга эга, ташаббускор, юксак билим ва тажрибага эга бўлган хотин-қизлар учун "Раҳбар аёллар мактаби" жорий қилинди.

саларга катта ёшдагилар ва ижтимоий вазиятга тушиб қолган оилалар билан ишлаш бўйича шўъба мудирини Нилуфар Назарова Бойқобиловна билан бирга ташир буюриб, муассасаларда олиб борилаётган ишлар ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар бўйича танишиб чиқди.

2025-йилнинг 11-февраль

қизларнинг илм-фан, инновация ҳамда жамиятдаги ўрнини кенгайтириш мақсадида ташкил этилган форумда иштирок этди.

Тадбирларда турли соҳаларда фаолият юритаётган мутахассис аёллар ва етакчи меҳмонлар, жумладан Зиёда Аминова - Қашқадарё вилояти ҳокими ўринбосари, Оила ва хотин-қиз-

манфаатларини ҳимоя қилиш, таълим, илм-фан ва инновация, спорт, соғлиқни сақлаш, касбий кўникмаларини ошириш, тадбиркорликка жалб этиш, репродуктив саломатлик, оила институтини мустаҳкамлаш, миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб авайлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар

Ушбу муҳим лойиҳанинг 4-мавсумида Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги мактабгача ва мактаб таълими бўлими тасарруфидagi 1-сонли Давлат мактабгача таълим ташкилоти раҳбари Зулайхо Джуроева Хужамовна ҳам "Раҳбар аёллар мактаби" доирасида малакасини ошириб, тенгловчи сифатида иштирок этмоқда.

Лойиҳа мақсади хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларни нуфузини ошириш ҳамда жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашни кўзда тутати. Хусусан, мамлакатимизда аёллар учун очилаётган имкониятлар, уларнинг жамият тараққиётидаги ўрни ҳамда турли соҳалардаги фаоллиги ҳақида таъкидлашимиз жоизки, мазкур лойиҳа "Раҳбар аёллар мактаби" да ташаббускор ва улкан орзуларга эга бўлган, ўз раҳбарлик сифатла-



ришни мақсад қилган аёлларни бирлаштиришни ўз ичига олади.

"Раҳбар аёллар мактаби" тингловчилари маҳаллий стажировка (дублёрлик) амалиётига жалб қилинди.

"Халқаро илм фандаги хотин ва қизлар куни" ҳамда Қашқадарё вилояти Оила ва хотин қизлар бошқармаси ташаббуси билан ўтказилаётган "Илмий аёл жамият гултожи" ҳафталиги доирасида

лар бошқармаси бошлиғи Дилфуза Раҳмонова - Ахборот технологиялари ва менежмент университети таъсисчиси. Зебо Яхшиева - Турон университети профессори. Ишмуратова Лобар - "Премиум Сервис Медисал" хусусий корхонаси директори. Худойкулова Шахло - Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилояти кенгаши Ёшлар ва хотин-қизлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Қашқадарё вилояти Педагогик маҳорат маркази директори - Орипова Нозима Шухратовна, Джуроева Зулайхо - Қарши шаҳар 1-мактабгача таълим ташкилоти директори, Хайруллаева Нозима Толибжоновна - Шахрисабз тумани 82-умумий ўрта таълим мактаби директори Ўринова Шабнам Абдурашидовна - Муборак тумани "Баркамол авлод" болалар маркази директори. Зулхумор Шомаматова - ЎзЛиДеП Қашқадарё вилояти кенгаши, "Аёллар қаноти" раҳбари иштирок этиди.

Ушбу ташкил этилган форум, семинар-тренинг ҳамда давра суҳбати тарзида ташкил этилган

ҳақида ўз фикрларини билдиришди.

Маълумот ўрнида Джуроева Зулайхо Хужамовна Қарши шаҳар 1-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотида 8 йил давомида директор лавозимида фаолият олиб бормоқда, ташкилотда ўлий маълумотга эга мутахассисларни жалб қилган ҳолда мактабгача таълим ташкилотини сифатли таълимни ташкил этилишида ўз хиссасини қўшиб, таълим соҳасида 23 йил давомида меҳнат фаолиятини олиб бориш билан бирга Республика миқёсидаги қўллаб-маънавий-маърифий тадбирларда иштирок этиб келмоқда. Зулайхо Джуроева адабиётга ошнолиги сабабли, бир қатор фаолияти доирасида мақола ва шеърлари маҳаллий газета ҳамда журналларда доимий равишда чоп этиб келмоқда.

Зулайхо Джуроева кўп йиллик иланишлари натижасида, Қарши давлат университети мустақил тадқиқотчиси сифатида илмий иш олиб бормоқда. Халқаро, Республиканинг нуфузли журналларда 30 га яқин илмий мақолалари, дарслиги ҳамда методик қўлланмалари чоп этилиб келмоқда.. Республика, Халқаро миқёсида илмий-амалий Конференцияларда иштирок этиб келмоқда.

Фидойи педагог сифатида янги педагогик технологиялар асосида ёш авлодни ҳар томонлама етук инсон қилиб voyага етказиш йўлида самарали меҳнат қилиб, қўл остидаги педагог ходимларга ва Педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий маркази тингловчиларига ўз соҳасининг етук тажрибали мутахассиси сифатида ўз маслаҳатлари, билим, кўникма, малакаларини ҳам бериб келмоқда.

Гулзода ШОДМОНОВА, тайёрлади



рини ривожлантиришни мақсад қилган аёлларни бирлаштиришга хизмат қилмоқда.

Ушбу лойиҳа жараёнида Ўзбекистон Республикасининг лидер раҳбар аёллари Саида Мирзиёева Шавкатовна, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Нарбаева Камаловна, Бош вазир ўринбосари - Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси Зулайхо Маҳамдова, таниқли ўзбек жамоатчилиги фаоли, давлат бошқаруви соҳаси мутахассиси, иқтисодчи, блогер, тадбиркор Азиза Фарҳадовна Умаровалар билан бўлган учрашув ҳамда суҳбатлар тенгловчиларни ҳар томонлама руҳлантирди.

Шу билан биргаликда "Лидерлик қуввати: ўзингизнинг ноёб кучли жиҳатларингизни қабул қилиш" мавзусида маҳорат дарси ўтказилди.

Мазкур тадбир "Раҳбар аёллар мактаби" тўртинчи мавсуми доирасида ташаббускор ва улкан орзуларга эга бўлган, ўз раҳбарлик сифатларини ривожланти-

Зулайхо Джуроева Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Қашқадарё вилояти бошқармасида дублёрлик фаолияти давомида ўзининг камтарлиги, меҳнатсеварлиги, изланувчанлиги, раҳбарлик қобилияти, фаоллиги ва фидойилиги билан алоҳида компетенцияларини кўрсата олди.

Дастлабки кунларда агентлик фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишди, катта ёшдагилар ва ижтимоий вазиятга тушиб қолган оилалар билан ишлаш бўйича шўъба мудирининг функционал вазифалари ҳамда фаолиятининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари билан яқиндан танишди ҳамда иш режалар, чора-тадбирларни таҳлил қилди.

Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги Қашқадарё вилояти бошқармаси тизимидаги муассас-

нар-тренинг ҳамда давра суҳбатида ҳамда Ахборот технологиялари ва менежмент университетида "Илм-фан соҳасидаги аёллар ва қизлар халқаро куни" муносабати билан, аёллар ва

учрашувларда, бугунги кунда давлатимиз томонидан хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида хусусан, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқлари ва қонуний

ҳақида ўз фикрларини билдиришди.

САВОЛ БЕРИНГ - ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Савол: Ходимнинг меҳнат шартларини ўзгартириш ҳуқуқи?

Жавоб: Меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда, меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда, шунингдек меҳнат шартномасида назарда тутилган ҳолларда ходим меҳнат шартномасида шарт қилиб кўрсатилган меҳнат вазифасига кўра ишни давом эттираётганда иш берувчидан меҳнат шартларини ўзгартиришни талаб қилишга ҳақиқидир.

Ходимнинг меҳнат шартларини ўзгартириш ҳақидаги аризаси у берилган кундан эътиборан уч кундан кечиктирмай иш берувчи томонидан қўриб чиқилиши керак.

Ходимнинг меҳнат шартларини ўзгартириш ҳақидаги талабларини қаноатлантириш рад этилган тақдирда, иш берувчи унга рад этишнинг сабаби тўғрисида ёзма шаклда хабар қилиши керак. Ходимга унинг талабларини қаноатлантиришни рад этиш сабабларини хабар қилмаслик ходимнинг меҳнат шартларини ўзгартириш рад этилганлиги устидан шикоят қилиши учун монелик қилмайди.

Х.ИБРАГИМОВ,
Дехқонобод тумани Адлия бўлими бош маслаҳатчиси

Савол: Меҳмонхона бизнеси билан шугулланиш учун чет элдан ишчи ходимларни жалб қилинса қандай имтиёзлар белгиланган?

Жавоб: Меҳмонхоналарга бошқарув ходимлари сифатида жалб қилинадиган малакали хорижий мутахассислар даромадлари - жисмоний шахсларнинг даромад солиғидан озод этилади.

Б.УРОЛОВ,

Дехқонобод тумани адлия бўлими Давлат хизматлари маркази Давлат рўйхатидан ўтказиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш хизматларини кўрсатиш шўъбаси бош мутахассиси

Савол: Меҳнат шартномаси қандай шакл(лар)-да тузилиши мумкин?

Жавоб: Меҳнат шартномаси бир хил кучга эга бўлган камиди икки нусхада ёзма (қоғозда ёки электрон) шаклда тузилиб, уларнинг ҳар бири тарафлар томонидан имзоланади.

Электрон шаклдаги меҳнат шартномаси қонунчиликда белгиланган тартибда "Ягона миллий меҳнат тизими" идоралараро дастурий-аппарат мажмуида расмийлаштирилади.

Меҳнат шартномасининг ҳар бир нусхаси ходимнинг ва ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахсининг имзолари билан мустаҳкамланади.

Иш берувчида муҳр мавжуд бўлган тақдирда мансабдор шахсининг меҳнат шартномасининг барча нусхаларидаги имзоси муҳр билан тасдиқланади.

Меҳнат шартномасининг бир нусхаси ходимга берилади, бошқаси (бошқалари) иш берувчида сақланади. Меҳнат шартномасининг нусхаси ходим томонидан олинганлиги иш берувчида сақланадиган меҳнат шартномаси нусхасидаги ходим меҳнат шартномасининг нусхасини олганлиги тўғрисидаги алоҳида имзоси билан тасдиқланади.

Меҳнат шартномасида шартноманинг Меҳнат кодексининг 107-моддасида назарда тутилган реқвизитлари кўрсатилади.

Иш берувчилар ва ходимларга меҳнат шартномаларини тузишда амалий ёрдам кўрсатиш мақсадига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси билан келишувга кўра тавсиявий хусусиятга эга бўлган меҳнат шартномаларининг намунавий шакллари ишлаб чиқилади.

М.МАХМАСАЙДОВ,

Дехқонобод тумани юридик хизмат кўрсатиш маркази бош юристконсулти

Савол:Қандай оила кам таъминланган деб топилши белгиланиши?

Жавоб: Кам таъминланган оилаларни "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри"ахборот тизими орқали аниқлаш, уларга кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Низомга кўра, ишловчи оналар ёки уларнинг ўринини босувчи шахслар (бюджет ташкилотларида ишлайдиган оналар ёки уларнинг ўринини босувчи шахслар бундан мустасно) бола 2 ёшга етгунча уни парвартишлаш учун бериладиган ҳар ойлик нафақани олиш мuddати тугагандан сўнг болалар нафақасини олиши мумкин. Болалар нафақаси оиладаги болалар сонидан келиб чиқиб тайинланади. Болалар нафақаси 12 ой мuddатга тайинланади, бироқ оиланинг энг кичик ёхуд ягона боласи тегишлича 18 ёшга тўлган ойнинг охиригача тўланади.

Моддий ёрдам бола (болалар)сиз ёки барча болалар 18 ёшдан катта оилаларга ва якка-ёлғиз фуқароларга 6 ой мuddатга тайинланади.

Болалар нафақаси ва моддий ёрдам тегишли аризаларга асосан "Ягона реестр" АТ орқали кам таъминланган оила деб эътироф этилгандан сўнг тайинланади.

Болалар нафақаси ва моддий ёрдам ариза берувчи муурожаат қилган ойдан кейинги ойдан бошлаб тўланади. Қарорга кўра, 2022 йил мартгача жисмоний шахсларнинг дала томорка ер майдонлари рўйхати шакллантирилиб, тегишли маълумотлар "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизимига тақдим этиб борилади.

Мухаммадмин НУРХОНОВ,

Шахрисабз тумани адлия бўлими ДХМ хисоблаш оператори

Савол:Яшаш жойи ҳақидаги маълумотномани қарердан олиш мумкин?

Жавоб:Туман (шаҳар)лардаги Давлат хизматлари марказлари томонидан фуқаронинг яшаш жойи ҳақида маълумотнома берилмайди. Бу ҳақда Давлат хизматлари агентлигининг Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўлими хабар қилмоқда.

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан бериладиган тасдиқловчи ҳужжатлар турларини тубдан қисқартириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан, 2018 йил 15 октябрдан давлат ва ҳўжалик органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан давлат хизматлари кўрсатилишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кўйидаги тасдиқловчи ҳужжатларини тақдим қилиш бўйича тартиб бекор қилинган:

Ахборот тарикасида маълум қилинадик, бугунги кунда манзил-маълумот ахборотлари Давлат хизматлари марказлари орқали тақдим этилади. Қарорга асосан, шахсининг яшаш жойи бўйича (прописка қилинганлиги) яшаётганлиги ҳамда унинг ишсизлигини тасдиқловчи ҳужжатлари давлат ва ҳўжалик органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тегишинча Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги органларидан мустақил равишда сўраб олиниши лозим.

2020 йил 1 январдан бошлаб эса, давлат хизматларини кўрсатиш жараёнида оила таркиби, шу жумладан қариндошлик даражаси ва фуқаронинг оилавий аҳволи ҳақидаги маълумотлар давлат ва ҳўжалик органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тўғридан-тўғри фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларидан мустақил равишда сўраб олинади.

Аскар ГОЙБОВ,
Шахрисабз тумани адлия бўлими ДОМ етакчи мутахассиси

САВОЛ: Ота-она никоҳдан ажралганда боланинг ота-ониси ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқи борми?

ЖАВОБ: Бола отаси, онаси, бобоси, бувиси, ака-укалари, опа-сингиллари ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳуқуқига эга. Ота-она никоҳдан ажралганда ёки ота-она алоҳида яшаган ҳолда бола уларнинг ҳар бири билан кўришиш ҳуқуқига эга.

Фавқулодда вазиятларга тушиб қолган бола (ушлаб туриш, қамоққа олиш, даволаш муассасасида бўлиш ва бошқа ҳолларда) ўз ота-ониси ва бошқа қариндошлари билан қонунда белгиланган тартибда кўришиш ҳуқуқига эга.

Урал ХўЖАМУЛОВ,

Яккабоғ тумани адлия бўлими Юридик хизмат кўрсатиш маркази бошлиғи

Ўзбекистонда нафақа турлари: кимларга, қачандан моддий ёрдам берилиши мумкин?

Ўзбекистонда фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадига давлат бюджетидан ўндан ортққ турдаги нафақа ва моддий ёрдам пуллари тўлаб келинади. Айни пайтда молиявий ёрдам тайинлаш ва тўлаш вазифасини Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги бажармоқда.

Дафн этиш учун нафақа

Бу турдаги нафақа вафот этган шахсининг эри (хотини), ота-онаси, фарзандлари ва бошқа қариндошларига ёки қонуний вақилига, улар бўлмаганда эса дафн этишни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олган бошқа шахсга тайинланади Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги маълумотларига кўра, ўлим ҳақидаги далолатнома ФХДЭ органининг электрон архив тизимида қайд этилади ва нафақа автоматик тайинланади.

Фарзанд тутилганда бериладиган бир марталиқ нафақа ("Суюнчи пули")

Янги тартибга кўра, "суюнчи пули" олиш учун фуқаро Давлат хизматлари марказига (ДХМ) бориб, ариза ёзади. Ягона интерактив давлат хизматлари порталида (ЯИДХП) рўйхатдан ўтиб, сўровномани тўлдирди ва уни электрон шаклда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигига юборади. Кейин агентлик нафақани тайинлаш ёки тайинлашни рад этиш бўйича қарор қабул қилади.

Фазлиддин ЗОЙДОВ,

Шахрисабз тумани адлия бўлими ДХМ бош мутахассиси

Никоҳни қайд этиш тартиби ва аҳамияти

Никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади

Диний расм-русумларга биноан тузилган никоҳ ҳуқуқий аҳамиятга эга эмас.

Оила кодексининг 14 ва 15 моддаларига мувофиқ, никоҳланувчиларнинг ўзаро розиликлари ва уларнинг никоҳ ёшига ётганликлари никоҳ тузишнинг асосий шартлари ҳисобланиб никоҳга кирувчилар томонидан тақдим этилган аризалар шу куннинг ўзида махсус дафтарга рўйхатга олиниб, аризанинг қайд этилган санаси ва рақами ҳамда никоҳни қайд этиш тайинланган санаси ёзиб қўйилади. Никоҳ тузиш учун бўлажак эр-хотин ўз розилигини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлиши керак. Никоҳ тузишга мажбур қилиш тақиқланади.

Никоҳ ёши аёллар учун 17 ёш эркеклар учун 18 ёш этиб белгиланган. Узрли сабаблар бўлганда, алоҳида ҳолларда никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини қўпи билан бир йилга қамайтириши мумкин. Никоҳ ФХДЭ рўйхатга олингандан бошлаб никоҳни тугатилган эр-хотин деб ҳисобланадилар ва шу пайтдан эътиборан улар ўртасида эр-хотинлик ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келади.

Фазлиддин ЮЛДОШЕВ

Шахрисабз тумани адлия бўлими ДХМ бўлими бошлиғи

Савол:Хизмат мансабини суиистеъмол қилиш учун жазо белгиланганми?

Жавоб:Хизмат мансабини суиистеъмол қилиш - бошқарув тартибига қарши жиноятлардан бири; мансабдор шахсининг мансаб ваколати, амалидан ўз мансаб-ати йўлида фойдаланишидир. Мансаб ваколати мансабдор шахсининг ташкилий бошқарув ёки маъмурий ҳўжалик ваколатлари билан белгиланади. Хизмат мансабини суиистеъмол қилиш фуқароларнинг ҳуқуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлади. Амалини суиистеъмол қилиш штат молия интизомини бузиш; назорат ва тафтиш идораларини алдаш; товармоддий бойликларни ўғирлаш ва қамомадларни яшириш; давлат, жамоат мулкни ёки бошқа ҳар қандай мулкни ўзлаштириш ёки уни ўзлаштирмаган ҳолда гаразли мақсадларда фойдаланиш; айрим фуқаролар ва бошқаларга тегишли мулк ҳисобига қонуний бойишдан иборат. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексида ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилганлик учун тегишли жазо белгиланган (205-модда).

Лазиза РАСУЛОВА,

Жиноят ишлари бўйча Ғузор туман суди раиси

Савол:Қандай ҳолатларда болалар нафақаси ва моддий ёрдам тўловини тўхтатилади?

Жавоб:Ҳозирда кам таъминланган оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 21-октябрдаги 654-сонли Қарори билан тасдиқланган "Кам таъминланган оилаларни "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали аниқлаш, уларга кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида Низом асосида амалга оширилмоқда.

Мазкур Низомнинг 39-бандига асосан болалар нафақаси ёки моддий ёрдамни тўлаш қўйидаги ҳолларда тўхтатилади:

- қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган тайинлаш мuddати тугаганди (болалар нафақаси тайинлангандан 12 ой ва моддий ёрдам тайинлангандан 6 ой мuddати тугаганди);

- ариза берувчи ёки бошқа муомалага лаёқатли оила аъзоси томонидан яшаш жойи бўйича Пенсия жамғармаси бўлимига тўлов тўхтатилишини сўраб ариза тақдим қилинганда;

- оила доимий яшаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига кўчиб кетганида;

- "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизимидаги ёки манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг ахборот тизимлари билан идоралараро электрон ўзаро ҳамкорлик тизимидаги техник носозлик натижасида, маълумотлар электрон равишда тўлиқ ёки қисман тақдим этилмаганлиги сабабли, шунингдек, аризани киритишда ва бошқа техник хатолар оқибатида нотўғри тайинланганлиги аниқланган тақдирда;

- болалар нафақаси ёки моддий ёрдамни тайинлаш тўғрисидаги қарорга таъсир кўрсатган ариза берувчи томонидан нотўғри ва ишонсиз маълумотлар тақдим этилганлиги ёки тўлиқ тақдим этилмаганлиги сабабли ортққа тўловлар аниқланганда.

Юқориди санаб ўтилган ҳоллардан бошқа ҳолларда болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тўловини тўхта-тиш кўзда тутилмаган.

Абибакир ЭРҒАШЕВ,

Шахрисабз тумани адлия бўлими бош мутахассиси

СУД-ҲУҚУҚ СОҲАСИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

Мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган олий мақсад фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилиш, уларнинг қонуний манфаатлари бузилишининг олдини олиш, бахтли ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлашга қаратилган бўлади. Ўтган қисқа даврда Ўзбекистонда барча соҳалар қатори суд-ҳуқуқ йўналишида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оширилди. Хусусан, "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислох қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон қабул қилинди. Унда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш борасида қўрилган комплекс чора-тадбирлар том маънода суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг янги босқичини бошлаб берди, десак муболага бўлмайди.

Хусусан, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, одил судловга эришиш даражасини ошириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислох қилиш соҳасида давлат сиёсатининг асосий устувор йўналиши сифатида белгиланди.

Судлар тузилмаси замон талабларига мос равишда такомиллаштирилди.

Судлар тузилмаси ҳам замон талабларига мос равишда такомиллаштирилиб, вилоят ва унга тенглаштирилган фуқаролик ишлари, жиноят ишлари бўйича судлар ва иктисодий судлар негизига судьяларнинг қатъий ихтисослашувини сақлаб қолган ҳолда вилоят даражасидаги умуморисдикция судлари ташкил этилди.

Олиб борилаётган ислохотлардан яна бири сифатида фуқаролик судларида ихтисослашув бўйича оила муносабатларидан келиб чиқадиган низоларни кўриб чиқувчи ва жиноят ишлари бўйича судларда тергов судьялари корпусининг шакллантиришидир.

Шахриддин ОЧИЛОВ,

Фуқаролик ишлари бўйича Ғузор туманлараро суди судьяси.

ТРЕНЕР-ЎҚИТУВЧИЛАР ВА ЙЎРИҚЧИ УСЛУБ-ЧИЛАРГА БЕРИЛАДИГАН МАЛАКА ТОИФАЛАРИ

Тренер-ўқитувчиларга қуйидаги малака тоифа-лари берилади:

иккинчи тоифали тренер;
биринчи тоифали тренер;
олий тоифали тренер.

Йўриқчи-ўқитувчиларга қуйидаги малака тоифа-лари берилади:

иккинчи тоифали йўриқчи-ўқитувчи;
биринчи тоифали йўриқчи-ўқитувчи;
олий тоифали йўриқчи-ўқитувчи.

Иккинчи ва биринчи тоифали тренер ҳамда иккинчи ва биринчи тоифали йўриқчи-ўқитувчи малака тоифа-лари Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт бошқармалари томонидан берилади. Спортнинг техник ва амалий турлари бўйича иккинчи ва биринчи тоифали тренер ҳамда иккинчи ва биринчи тоифали йўриқчи-ўқитувчи малака тоифалари Ўзбекистон Мудофаасига қўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари томонидан, "Олий тоифали тренер" ва "Олий тоифали йўриқчи-ўқитувчи" малака тоифалари эса, Ўзбекистон Мудофаасига қўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Марказий Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси билан келишилган ҳолда берилади. Тренер-ўқитувчилар ва йўриқчи-ўқитувчиларга берилган малака тоифалари уларга табақалаштирилган тарзда ҳақ тўлаш учун асос бўлади.

Сардор КОДИРОВ,
Шахрисабз тумани адлия бўлими ДХМ бош мутахассиси

Ҳозирги кунда фуқаролар учун манзил-маълумот ахборотларини олиш давлат хизмати орқали амалга оширилиши мумкин.

Бу хизматлар аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари-га манзил маълумотларини таъминлашга қаратилган.

Фуқаролар учун манзил-маълумот ахборотлари давлат рўйхатидан ўтган манзилларни, уларнинг ўзгариш-лари, тегишли ташкилотлар билан боғлиқ маълумот-ларни ўз ичига олади.

- Онлайн платформа: Давлат хизматлари веб-сайтида манзил-маълумот ахборотларини олиш учун му-рожаат қилиши мумкин. Дастурларнинг ижроси бўйича маҳаллий давлат органларига бориб, зарур маълумот-ларни олиш мумкин. Ушбу маълумотларнинг олиниши фуқаролар ва тадбиркорлар учун жуда муҳимдир, чун-ки уларнинг ҳуқуқи, имтиёзлари ва мажбуриятлари ҳақида аниқ ва тўғри маълумот олишлари зарур.

Давлат хизмати орқали манзил-маълумот ахборот-ларини олиш жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқлари, фойдаланиш шакллари ва шартлари тўғрисида махсус маълумотларни олишлари мумкин. Бу уларнинг фаоли-ятини янада самарали бошқаришга ёрдам беради.

Олим ДЖАМОЛОВ,
Шахрисабз тумани адлия бўлими ДХМ етакчи мутахассиси

ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ВА ХИМОЯСИ МИРИШКОР ТУМАН БЎЛИ-МИ МУТАХАССИСЛАРИ.

Февраль - март ойларида ерларни экишга тай-ёрлаш ишларини ўтказиш.

Кузги шудгор олдидан фосфорли ва калийли ўғит-лар қўлланилмаган бўлса, экишдан олдин қўллаш ке-рак. Шўрланган майдонларда шўр ювиш ишлари тугал-лангандан сўнг эрта баҳорда ер этилиши билан чизел-ланиб ёки дискланиб бороналанади.

Бунда март ойида фосфорли ўғитларни 60% (ам-мофос-195 кг/га, ёки суперфос- 385 кг/га, ёки оддий суперфосфат-650 кг/га) ва калийли ўғитларни 50% (ка-лий тузи -125 кг/га, ёки калий хлор -90 кг/га) солина-ди, сўнг чизель культиваторлари ёрдамдада тупроқ 18-20 см чуқурликда чизелланади ва бир юришда боро-на қилинади.

Эрта баҳорда куз ва қиш ойларида тўпланган на-мликни сақлаш мақсадида бороналалаш талаб этилади, бунинг учун ер оби-тобига келиши билан барча дала-ларда ёппасига бороналалаш ўтказилиши лозим.

У.Бузруков, У.Санаев, Б.Ражабов, Ж.Нурма-нов, Вилоят Ўсимликлар карантини ва химияси
Чироқчи туман бўлими мутахассислари.

Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва буталарни экиш, парвариш қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби

Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва бу-таларни кесишга санитария мақсадларида, шунингдек, бинолар, иншоотлар ва коммуникацияларни қуриш ва реконструкция қилиш билан боғлиқ ҳолатларда йўл қўйи-лади, бундан ушбу Низомнинг 5-бандида назарда тутил-ган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навлари мустасно.

Дарахтлар ва буталарни кесиш тўлов асосида амал-га оширилади, бундан санитария мақсадида кесиш ҳол-лари мустасно.

Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва бу-таларни кесиш учун рухсатнома

Давлат ўрмон фондига кирмайдиган дарахтлар ва бу-таларни кесиш учун рухсатнома

Давлат экология қўмитасининг ҳудудий бўлинмалари юри-дик ва жисмоний шахслар томонидан рухсат этиш хусусия-тига эга ҳужжати олиш учун тақдим этилган аризани қўриб

чиқиш мuddати давомиди:

ҳужжатларни текширади;
заруратга кўра бошқа давлат органларида мавжуд, қарор қабул қилиш учун зарур бўлган маълумотларни "Лицензия" АТ орқали мустақил равишда олади;

дарахтлар ва буталар ҳолатини жойига чиқиб ўрганади;
дарахтлар ва буталарни кесиш бўйича жамоатчилик эшитишни амалга оширади ва унинг ҳулосасини шакл-лантиради;

дарахтлар ва буталарни сақлаб қолиш имкониятларини, шу жумладан, қўчириб ўтказиш масаласини қўриб чиқади ҳамда қўчириб ўтказиладиган дарахтлар ва буталарнинг сони, тури, мuddатлари ва қўчириш жойини аниқлайди;

Шахобжон ШОДИХОНОВ,
Шахрисабз тумани адлия бўлими ДХМ бош мутахассиси

БУГУНГИ КУНДА ОИЛАВИЙ АЖИРМЛАР СОНИ НЕГА КЎПАЙИБ БОРМОҚДА?

Оила-инсон тафаккурининг олий махсули. Бу мўъжаз маскан умримизга мазмун, ҳаётимизга фазл берибгина қолмай, ҳаётимизга рағбат, юрт тараққиётида муҳим ўрин тутadi. Оиладаги тотувлик эса кишининг онгу шурида ҳаётга муносабат, касбга садоқат, атроф-дагиларга нисбатан ҳурмат ва эътибор сингари юксак инсоний фазилатларни ҳам шакллантиради.

Конституциямизда оила ҳаётининг асосий бўғини эканлиги ҳамда ҳаётимиз ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга эканлиги белгиланган. Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъ-сири беқиёс. Чунки инсоннинг энг соф ва покiza туй-ғулари, илк ҳиссий тушунча ва тасаввурулари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Яъни оила маънавий жиҳатдан бутун бўлсагина, мустаҳкам бўлади. Мустаҳ-кам оилалардан ташкил топган мамлакат эса, албатта, қудратли бўлади.

Ёшлар оила аталмиш муқаддас даргоҳ оstonасига қадам қўяр экан, "Мен оила қуришга тайёромми?" Оилам мустаҳкам бўлиши учун нималар қилишим ке-рак?" деган саволларни ўзига берса, мустақил ҳаётга юзаси эмас, ўта жиҳдий масала деб қараса, оилаларда пайдо бўладиган баъзи бир нохуш ҳолатларнинг олди

Адиба БУРИЕВА,

Нишон тумани ФХД бўлими мудираси

САВОЛ: Иш ҳақи сақланмайдиган таътил ту-шунчаси ва уни бериш тартиби қандай?

ЖАВОБ: Иш ҳақи сақланмайдиган таътил деганда ходимнинг иш ўрни (лавозими) сақланиб қолган ҳолда ҳақ тўланмайдиган таътил тушунилади. Ходимнинг ёзма аризасига кўра унга иш ҳақи сақланмайдиган таъ-тил берилиши мумкин бўлиб, унинг давомийлиги хо-дим ва иш берувчи ўртасида келишувга кўра белги-ланади, лекин у иш ҳақи сақланмайдиган охириги таъ-тил берилган кундан эътиборан календарь йил даво-мида узлуксиз ёки жамланган ҳолда 3 ойдан ошмаслиги керак.

Сухроб ЖАЛОЛОВ,

Чироқчи туман Давлат хизматлари маркази директори.

КИМВИЙ ПРЕПАРАТЛАРНИ ҚАН-ДАЙ ҚЎЛЛАШ ЗАРУР?

1). Кимвий препаратлар очик майдонда чанглаш усули билан қўлланилганда, шамолнинг тезлиги 2 метр-рдан, пуркаш усулида эса, 3-4 метрдан ортмаслиги керак. 2). Пуркаш ва чанглаш эрта билан ва кечки салқ-инда, ҳаво ҳарорати +28 градусгача бўлганда ўтказила-ди. 3). Иссиҳоналарда эрталаб қўёш чиқишидан ол-дин қўлланилиши мақсадга мувофиқ. 4). Пуркаш ва чанглаш ишлари билан шуғулланувчи шахслар шах-сий химояланиш воситалари, яъни кўзойнак, резина қўлқоп, резина этик ва махсус ўст-бош билан таъмин-ланиши ҳамда ишлов бериш якунлангандан кейин юз-қўлларини совунлаб ювишлари, душ қабул қилишлари лозим. 5). Қўқат турларини етиштиришда кимвий во-ситаларни қўллаш ман этилади.

Шу қаторда муҳим эслатма: Фермер, деҳқон, томор қа ер эгаси қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни етишти-риш жараёнида кимвий ва минерал ўғитлардан мута-хассис маслаҳати асосида фойдаланишни сўраб қола-миз. Чунки тупроқ ва экинга нисбатан нотўғри бажар-илган агротехник ва профилактик ишлар зарарли-дир. Мева, полиз экиннинг ҳосили мўл ва сифатли, зарарли моддалардан ҳоли бўлишини истасангиз Ўсим-ликлар карантини ва химияси тизими мутахассислари назорати остида маҳсулот етиштиринг.

А. Тўхтамишев, Х.Ҳайдаров.

Қашқадарё вилоят Ўсимликлар карантини ва химияси Яқкабоғ туман бўлими мутахассислари.

БАХОРИ БУҒДОЙ, АРПА ВА СУЛИНИ ЎҒИТЛАШ

Сули тупроқ унумдорлиги ва муҳитга унча талабчан эмас. Баҳори буғдой ва арпа нисбатан унумдор, муҳити мўътадил ёки мўътадилга яқин тупроқларда яхши ўсиб-ривожланади. Бу экинларнинг ҳосилдорлиги иссиқлик режими унча яхши бўлмаган оғир механикавий таркиб-ли тупроқларда ва шунингдек, енгил механикавий тар-кибли тупроқларда кескин камаяди. Сулининг илдиз ти-зими яхши ривожланган бўлиб, баҳори буғдой ва арпа-никига нисбатан тупроқнинг анча чуқур қатламларига тушиб боради. У тупроқдаги қўйин эрийдиган бирик-маларни ҳам нисбатан кўпроқ ўзлаштириш қобилияти-га эга.

Баҳори доңли экинлар учун биринчи навбатдаги озиқ элементлари азот ҳисобланади. Иккинчи ўринда фосфор туради. Енгил механикавий таркибли тупроқларда ка-лийнинг аҳамияти катта.

Барча тупроқ-иклим минтақаларида баҳори доң экин-ларини экиш билан гектарига 10 кг фосфор (P2O5)ни суперфосфат ёки аммофос шаклида қўллаш яхши на-тижа беради. Фосфорли-калийли ўғитларнинг асосий қисми кузда, шудгор остига берилгани маъқул.

Одатда, баҳори доң экинлар баҳорда азотли ўғит-лар билан қўшимча озиклантирилмайди. Фақат суғори-ладиган деҳқончилик шароитида, нитратларнинг илдиз-ларни тарқалиш зонасидан ювилиб кетиш хавфини ҳисобга олиб, азотнинг бир қисмини (30-40 кг/га) шу мақсадда ажратиш мумкин.

Гектаридан 3,5-4,0 т ҳосил олиш учун бўз тупроқ-лар минтақасида 100-120 кг азот, 80-90 кг фосфор, 50-60 кг калий қўлланилади. Айрим тадқиқотларнинг на-тижаларига қараганда, йиллик азот меъёрининг бир қисмини (30-40 кг) мочевина ўғити шаклида барги орқали (илдиздан ташқари озиклантириш) пуркаш, доң си-фатини сезиларли даражада оширади.

Вилоят Ўсимликлар карантини ва химияси
Қамаши туман бўлими мутахассислари.

Boxa

Маънавий-маърифий,
ижтимоий-оммабош нафр

Газета Ўзбекистон Республикаси
Президенти администрацияси ҳузури-
даги Ахборот ва оммавий коммуника-
циялар агентлиги томонидан

0811 - рақам билан
02.02.2012 йилда рўйхатга олинган.

Газета «Photo Express» ИЧКда оф-
сет усулида 150 нусхада чоп этилди.
БОСМАХОНА МАНЗИЛИ: Қарши

шаҳри, Мустақиллик шоҳ қўчаси, 22-уй.

Бош муҳаррир:
Сарвиноз ХУСАИНОВА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ:
Келажақ интернет
теледрайоккомпанияси

Навбатчи муҳаррир:
Инобат Сопорова

Газета Ўзбекистон Республикаси
ҳудудида тарқатилади.

<http://vohapress.uz>

e-mail: gazeta.voha@mail.ru

Саҳифаловчи:
Аҳрорбек ШУХРАТОВ

Газета ҳафтанинг жума кунлари чоп этилади.
Сотувда эркин нархда.

Муаллиф фикри таҳририят нуктаи назаридан
фарқ қилиши мумкин. Газетада INTERNET
материалларидан фойдаланилди.

Таҳририятга келган қўғизмаларга жавоб
ёзилмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Муассис: «Қашқадарё кўзгуси ОАВ» МЧЖ
Газета муассис компьютер марказида
терилди ва саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:

Қаршида: 180018, Қарши шаҳри,
Мустақиллик шоҳқўчаси, 22-уй, 1-қават.

ТЕЛЕФОН:
+99875 227-50-04

РЕКЛАМА, ОБУНА ВА СОТУВ БЎЛИМИ:
+99890 517-50-05

16+

Нашр индекси - 659. Топширилди: 19.00. Босишга
топшириш вақти: 21.30. Буюртма №16. Ҳажми 2 босма
табоқ. Бичими А3. 1 2 3 4 5 6

ИНГЛИЗ ТИЛИНИ БОЛАЛАРДА ЎҚИТИШ

Замонавий даврда инглиз тили глобал муҳимлигини ошириб бормоқда. Болалар учун инглиз тилини ўрганиш нафақат тил ўрганиш, балки уларнинг фикрлаш, мулоқот қилиш ва маданий тажриба орттирилишида ҳам катта аҳамиятга эга. Ушбу мақолада болаларда инглиз тилини ўқитишнинг самарали усуллари кўриб чиқамиз.

Ўйин орқали ўқитиш энг самарали усуллардан биридир. Болалар ўйинлар орқали ўрганиш жараёнини қизиқарли ва интерактив қилиб ўтказадилар. Масалан, сўзларни эслаб қолиш учун карточкалар ёки рўйхатга олиш ўйинлари ёрдамида билимларини ошириш мумкин.

Визуал материаллардан фойдаланиш ўқитиш жараёнини энгиллаштиришда ёрдам беради. Расм, видео ва интерактив иловалар болаларнинг диққатини жалб қилиб, инглиз тилини ўрганишни янада қизиқарли қилади. Бундай материаллар ёрдамида болалар тилни тезда тушуниб, ўзлаштирадилар. Оддий сўзлар ва ибораларни ўргатиш жараёни ҳам жуда муҳим. Ўқитишнинг дастлабки босқичида болаларга ошқора, тушунарли ва оддий сўзлар тақдим этилиши керак. Бу уларга ўрганаётган тилдан кўрқмасликларига ва иштиёқ билан янги тушуналар ўрганишга ёрдам беради.

Инглизча мусиқа ва қўшиқлар ҳам болаларнинг тил



ўрганишида муҳим аҳамиятга эга. Қўшиқлар орқали талаффуз ва сўз бойлигини ошириш мумкин. Болалар ҳаётида севи ва қувонч олиб келадиган қўшиқлар ёрдамида инглиз тилининг асосий жиҳатлари ўрганилади. Ҳикоялар ва болалар китоблари юмшоқ бир ёндашув билан тил ўрганишни қўллаб-қувватлайди. Оддий ҳикоялар билан таништириш ва болаларга ўқитиш, уларнинг қобилиятини ривожлантиради, шунингдек, сўзларни ва ибораларни контекстда ўзлаштиришга ёрдам беради.

Болалар билан мулоқот қилиш жуда муҳимдир. Инглиз тилида мулоқот қилиш болаларга ўз фикрларини ифода этишда, тилни амалда қўллашда ва ўрганиш жараёнида ўз-ўзидан ўзлаштиришга ёрдам беради. Ушбу жараёнда катталар сабрли

эканликлари ва доимий қўллаб-қувватлашлари керак.

Куни кеча Қашқадарё вилояти ҳокимлиги Ёшлар ишлари агентлиги ҳамда "IQROKIDS" маркази ҳамкорлигида инглиз тили, математика фанларинда Республика оқчи олимпиадаси ташкил қилинди. Қарши шаҳар 41-умум таълим мактабининг ўқувчилари инглиз тили фани бўйича олимпиадада иштирок этиб, фахрли ўринларни олдилар. Улар бу беллашувда чемпионлиқни ҳамда Тошкент халқаро олимпиадасига йўлланмаларни қўлга киритиб қайтдилар.

Қизиқарли фаолиятлар инглиз тилини ўқитишнинг яна бир самарали усули ҳисобланади. Масалан, санъат, қўл санъатлари ёки экспериментлар орқали инглиз тилидаги фаолиятлар болалар ўрганаётган тилни янада қизиқарли қилишга ёрдам беради.

Яқинда, инглиз тилини болаларда ўқитиш жараёнида таълим берувчилар ва ота-оналар тўғри ёндашувни танлаб, сабр-тоқат билан муваффақиятли натижаларга эришишлари мумкин. Болаларнинг қизиқишларини ошириш ва уларни рағбатлантириш орқали инглиз тилини ўрганиш жараёни янада самарали бўлади.

Нигора ЭРКАЕВА,

Қарши шаҳар 41-умумтаълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси

Хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва иш билан таъминлаш: Муваффақиятлар ва долзарб масалалар



Жамият тараққиёти бевосита ундаги барча инсонларнинг ҳуқуқ ва имкониятлари тенглиги билан боғлиқ. Шу жумладан, аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни иш билан таъминлаш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш нафақат адолатли жамият қуришнинг асоси, балки мамлакат иқтисодий ва ижтимоий тараққиётининг муҳим омилларидан биридир.

Бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида гендер тенглигини таъминлаш, аёлларнинг ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этишини қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Аёллар нафақат оилавий ҳаётда, балки илм-фан, тадбиркорлик, сиёсат ва иқтисодиёт соҳаларида ҳам улкан ютуқларга эришмоқда.

Бугунги кунда туманимиз бўйича олий таълим ва нодавлат олий таълим муассасаларида тахсил олаётган 814 нафар талабаларнинг 406 нафари (49,8%) ни қизлар ташкил этмоқда. 2024-2025 ўқув йилида 406 нафар (59,5%) қизлар Олий таълим муассасаларига қабул қилинди, бу кўрсаткич ўтган йил (302 нафар)га нисбатан 134 фоизга қўлайган. Эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг қароғомидан маҳрум бўлган 24 нафар талаба хотин-қизларнинг олий таълим олиши учун тўлов шартномасини тўлаб бериш билан боғлиқ харажатларга 177 млн сўм маблағ ажратилди. Эҳтиёжманд оилалардаги 12 нафар қизлар олий таълим муассасаларига имтиёзли 4 фоизлиқ квота асосида, Беш йиллик иш стажига эга бўлган 2 нафар хотин-қизлар Олий

таълим муассасасига қабул қилинди.

Туманда 28647 нафар хотин-қизларнинг бандлиги таъминланди, жумладан 1103 нафари доимий иш ўринларига жойлаштирилди, 323 нафари мавсумий ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб этилди, 1824 нафар хотин-қизлар касб, ҳунар ва тадбиркорлик бўйича ўқитилди, 187 нафари ҳунармандчилик ва касаначилик йўналишларида банд қилинди, 9669 нафари ўзини ўзи банд қилди, 67 нафарига деҳқончилик қилиши учун ер майдони ажратилди, 450 нафарига 1,5 млрд сўм миқдорда субсидия (енгил конструкцияли иссиқхона ўрнатиш, уруғлик ва кўчатлар, асбоб-ускуна, меҳнат қуролларини харид қилиш) ҳамда 15024 нафар хотин-қизларга хонадон шароитида тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида 1,7 млрд сўм имтиёзли кредитлар ажратилди. Ҳужум йил давомида туманимизда, хотин қизлар бандлигини таъминлаш ва уларни ҳар томонлама ҳимоя қилиш борасида бир қатор режаларни олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. 8 та маҳаллаларда бўш бино ёки 3 сотихли ер майдонида "Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш ва саломаатлигини мустақамлаш марказлари"ни ташкил этилади. Қолаверса келгуси йилда 1 323 нафар хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашилади. Сайхунбод тажрибаси бўйича 2 минг 440 нафар хотин-қизлар асарчилик, паррандачилик, иссиқхона, балиқчилик ва бошқа йўналишларда касб-ҳунарга ўқитилади. Лидер тадбиркор аёлларга 589 нафар эҳтиёжманд хотин-қизларни бириктириб, даромад топишга ўргатилади. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси, ҳоқ давлат ташкилотлари, ҳоқ нодавлат сектори бўлсин, аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни иш билан таъминлаш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида ўз ҳиссасини қўшиши лозим. Зеро, аёлларнинг иқтисодий мустақиллиги ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиши нафақат уларнинг ҳаёт сифатини яхшилайдиган, балки бутун мамлакат тараққиётига ҳам беқиёс ҳисса қўшади.

Саида ТОШНИЯЗОВА,
Қамаши туман ҳокими
ўринбасари Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи

КАСБИГА САДОҚАТЛИ ВА ФИДОЙИ УСТОЗЛАР - ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ТАЯНЧИ

Таълим - келажак пойдевори, маърифат эса инсон камолотининг асосидир. Бугунги кунда мамлакатимизда ёш авлодга чуқур билим бериш, уларнинг интеллектуал ва жисмоний ривожланишига кўмаклашиш йўлида кўплаб ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда мактаблар ва уларда фаолият юритаётган фидойи ўқитувчиларнинг ҳиссаси беқиёсдир.

Косон туманидаги 94-мактаб ҳам бу борада ўзининг муносиб ўрнига эга. Айни пайтда ушбу таълим даргоҳида 802 нафар ўқувчи тахсил олса, уларни 72 нафар малакали устозлар билим билан қуроллантириб келмоқда. Қайд этиш жоизки, ушбу жонқуяр педагогларнинг 62 нафарини хотин-қизлар ташкил этади. Уларнинг барчаси ўз касбига садоқатли, ёшларга илм бериш, уларда ватанпарварлик руҳини шакллантириш йўлида фидокорона меҳнат қилишмоқда.

Мактабда 12 та фан тўғраги ва 6 та спорт тўғраги мунтазам фаолият юритиб, ўқувчиларнинг қизиқиш ва истеъдодларини рўёбга чиқаришларига кенг имко-

ният яратмоқда. Бу каби сайё-ҳаракатлар ўз натижасини бермоқда. Бугунги кунга келиб мактабнинг 12 нафар ўқувчиси турли даражадаги халқаро сертификатларга эга бўлган бўлса, 21 нафар ўқитувчи халқаро ва миллий сертификатларни қўлга киритган. Бу эса 94-мактаб жамоасининг ўз олдида қўйган юксак мақсадлар сари изчил интилаётганидан далолат беради.

Мактаб ҳаётидаги бундай ютуқларда хотин-қизларимизнинг ўрни беқиёс. Улар нафақат ёш авлодга билим ва тарбия беришмоқда, балки келажак авлод қалбида эзгу ниятлар уруғини екиш борабариди таълим тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда.



Қадрли аёллар, мўътабар устозлар!

Сизларни баҳорий қуёш тафтидан таралган энг гўзал байрам - 8-март, Халқаро хотин-қизлар куну муносабати билан чин қалбимдан табриқлайман! Ўқитувчилик - машаққатли, аммо шу билан бирга, шарафли касб. Сизларнинг сабр-тоқатингиз, фидойилигингиз туфайли юртимизнинг эртаси порлоқ, келажиги буюк бўлиб бораверади.

Оилангизга тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-саломатлик, ишларингизга зафарлар тилайман. Доимо жамиятимизнинг таянчи ва меҳр-оқибат тимсоли бўлиб қолинг!

Хурмат билан, Косон тумани 94-мактаб директори Раъно Низомова.

